

Ақийда дарслари (225-дарс) Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу ҳақида

АҚИЙДА
225-ДАРС

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ РОҲИМАҲУЛЛОҲНИНГ
«АҚОИД ИЛМИ ВА УНГА БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР» ВА «СУННИЙ АҚИДАЛАР»
КИТОБЛАРИ АСОСИДА БЕРИБ БОРИЛАДИ.
МАВЗУЛАРНИНГ ТҮЛИҚ МАТНИ БИЛАН ТАНИШИШ УЧУН
КИТОБНИНГ ҲИЗОТГА МУРОЖААТ ЭТИШ ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ.



19:00 / 25.04.2023 2322

نَع ، اَهُنَعُ هَلْ لَ اِي ضَرَ ةَ مَلَسٌ مُ اُ نَع
مَلَسٌ وِ هَيْ لَعُ هَلْ لَ اِي لَصِي بِّنْ لَ ا
تَوْمَ ذُنْعُ فَا لَتْخَا نُ وُكَيَّ « : لَ ا ق
لَهَا نَمُ لُ جَرُ جُ رُ خِيَّ فِ ، ةَ فَي لَخ
هَي تَأَيَّ فِ ، ةَ كَمَ يَلِ اِ اِبْرَاهِ ةَ نِي دَمُ لَ ا
وَهُوَ هَنُ وُجُ رُ خِيَّ فِ ةَ كَمَ لَهَا نَمُ سَا ن
نُ كُرْ لَ ا نِي بُّ هَنُ وُ عِي اِبُّ يَّ فِ ، وِرَا ك
نَمُ ثَغَبِ هَيْ لَ اِ ثَغَبِيَّ وِ ، مَ ا قَمُ لَ ا وِ

مِهِبُ فَسُخِّيْفِ مِاشِلِلْهَأْ
، نِي دَمْلْ أَوْ ةَكَمْ نِيْبِ ءَاذِيْبُلِبِ
لْأَذْبَأْ هَاتَأْ كِلْ ذُسْأَنْلَا يَأْرَ إِذِإْفِ
قَارْعُلِلْهَأْ بِيْءَأْصَعَوِ مِاشِلِلْ
نُكُرْلَا نِيْبُ هَنْوَعِيْ أَبِيْفِ
نَمْ لُجْرُأَشْنِيْ سُمُتْ ، مَأَقَمْلْ أَوْ
تُعْبِيْفِ ، بُلْكَ هُلْ أَوْخِأِ شِيْرُقِ
، مَهِيْلَعِ نُوْرَهْ طِيْفِ أَتْعَبُ مَهِيْلَا
نَمْ لُ ةَبِيْخِلْ أَوْ ، بُلْكَ تُتْعَبُ كِلْ دَوِ
مُسُقِيْفِ ، بُلْكَ ةَمِيْنَعِ دَهْ شِيْ مَلِ
ةَنْسَبِ سَأَنْلَا يِفْ لَمْعِيْ وَ لَمْأَلَا
، مَلَسَوِ هِيْلَعِ هَلْ لَا يَلَصُ مَهِيْبَنْ
يِفِ هِنَأْرَجِبُ مَأَلْسِإِلَا يِقْلِيْ وَ
، نِيْنَسِ عَبَسُ تَبْلِيْفِ ، ضْرَأَلَا
هِيْلَعِ يَلَصِيْ وَ يَفَوْتِيْ سُمُتْ

دُوَادُ وَبَاءُ هَاوَرٍ . «نَوْمٌ لِسُ مَلَا»

Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Бир халифа ўлганда ихтилоф бўлади. Аҳли Мадинадан бир киши Маккага қочиб чиқади. Бас, унинг олдига аҳли Маккадан одамлар келиб, ўзи истамаса ҳам, уни чиқариб, Рукн ва Мақом орасида унга байъат қиладилар. Унга қарши Шомдан аскар юборилади. Уларни Макка ва Мадина орасидаги сайхонликда ер ютади. Одамлар ўшани кўрганларида, унинг олдига Шомнинг Абдоллари - авлиёлари ва аҳли Ироқнинг яхшилари келадилар ва унга байъат қиладилар. Сўнгра қурайшдан тоғалари Бану Калбдан бўлган бир киши чиқади. Бас, у (Маҳдий) аларга қарши аскар юборади ва уларга ғолиб келади. Ана ўша Калбнинг аскардир. Калбнинг ўлжасига ҳозир бўлмаган ноумиддир. Кейин у (Маҳдий) молни тақсим қилади ва одамлар орасида набийлари соллаллоху алайҳи васалламнинг суннатига амал қилади. Ислом ер юзида қарор топади. У етти йил қолади. Сўнг вафот этади ва мусулмонлар унинг жанозасини ўқийдилар», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган. Абу Саъид розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набийимиздан кейин бирор нарса бўлишидан қўрқиб, Набиюллоҳ соллаллоху алайҳи васалламдан сўрадик. У зот:

«Менинг умматимда Маҳдий бордир. У чиқиб, беш ёки етти, ёки тўққиз яшайди», дедилар. «У нима?» дедик.

«Йиллар. Унга бир одам келиб: «Эй Маҳдий! Менга бер! Менга бер!» дейди. У унинг кийимига кўтаришга кучи етганичани ҳовучлаб солиб беради», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Имом Маҳдий розияллоху анҳу ҳақларида, у кишининг охири замонда чиқишлари борасида қадимдан мусулмон уламолар орасида кўпгина баҳслар ўтган. Бу баҳсларнинг натижаси турлича бўлиб чиққан.

Шийъа мазҳабидагилар имом Маҳдийни Маҳдий мунтазар – интизор бўлиб турилган Маҳдий дейишади.

Аҳли сунна ва жамоа мазҳабидаги уламолар бу масалада ўзаро алоҳида баҳс юритганлар. Баъзи уламолар, бу борада келган барча ҳадислар заифдир, деганлар. Булар озчилик бўлиб, уларнинг кўзга кўрингани Ибн Халдундир.

Кўпчилик уламолар: «Маҳдий розияллоҳу анҳу ҳақидаги ҳадиси шарифлар катта саҳобалардан улуғ муҳаддислар томонидан ривоят қилинган», дейдилар. Бу ҳақдаги ҳадиси шарифларни Имом Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Тобароний, Абу Яъло, Баззоз, имом Аҳмад ибн Ҳанбал, ал-Ҳоким ва бошқалар ривоят қилганлар.

Ана ўша ҳадиси шарифлардан бир қисмини юқорида ўрганиб чиқдик. Уларнинг баъзиларида имом Маҳдий розияллоҳу анҳунинг номлари очиқ-ойдин тилга олинган бўлса, бошқаларида ишора қилинган. Уларни солиштириб чиқадиган бўлсак, бир неча умумий хулосалар чиқаришимиз мумкин:

Охири замон бўлганда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтларидан, ҳазрати Али ва биби Фотима розияллоҳу анҳумоларнинг ўғиллари имом Ҳасан розияллоҳу анҳунинг наслідан имом Маҳдий розияллоҳу анҳу чиқадилар.

Имом Маҳдий розияллоҳу анҳунинг чиқишлари қуйидагича бўлади: бир халифа ўлганда, мусулмонлар ўртасида ихтилоф бўлади. Аҳли Мадинадан бир киши Маккага қочиб чиқади. Бас, унинг олдига аҳли Маккадан одамлар келиб, ўзи истамаса ҳам, уни чиқариб, Рукн ва Мақом орасида унга байъат қиладилар. Ана ўша киши Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу бўладилар.

Имом Маҳдий розияллоҳу анҳуга қарши Шомдан аскар юборилади. Шомдан юборилган аскарларни Макка ва Мадина орасидаги сайхонликда ер ютади.

Одамлар ўшаларни ер ютганини кўрганларида, Имом Маҳдий розияллоҳу анҳунинг олдига Шомнинг абдоллари – авлиёлари ва аҳли Ироқнинг яхшилари келадилар ва унга байъат қиладилар.

Сўнгра қурайшдан тоғалари Бану Калбдан бўлган бир киши чиқади. Бас, имом Маҳдий розияллоҳу анҳу уларга қарши аскар юборади ва уларга ёлиб келади. Кейин имом Маҳдий розияллоҳу анҳу молни тақсим қилади.

Сўнгра имом Маҳдий розияллоҳу анҳу одамлар орасида набийлари соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатига амал қилади. Ислон ер юзида қарор топади. Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу зулм ва жабрга тўлган ер юзини адолат ва инсофга тўлдиради.

Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу молни сочади, уни санамайди. У кишининг даврларида молу мулк кўпайиб кетганидан ва ўзлари сахий бўлганларидан шундай бўлади.

Имом Маҳдий розияллоҳу анҳу халифа бўлган ҳолда етти йил қоладилар. Сўнг у киши вафот этадилар ва мусулмонлар у зотнинг жанозасини ўқийдилар.

Қиёмат қоим бўлишининг айрим катта аломатларини ўрганиб чиқдик. Аввал айтиб ўтилганидек, қиёмат яқинлашиб қолганининг кичик аломатлари ҳам бор бўлиб, улар катта аломатлардан аввал зоҳир бўлади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.